

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ

ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

БОБАЕВА АДИБА САЙДАЛИЕВНА

БОЯЛИЧ-*SALSOLA ARBUSCULA* PALL. ЎСИМЛИГИНИ ҚАРНОБЧЎЛ
ШАРОИТИДА МАДАНИЙЛАШТИРИШНИНГ ЭКОЛОГО-
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

03.00.05–Ботаника

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

САМАРҚАНД–2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бобаева Адиба Сайдалиевна

Боялич - *Salsola arbuscula* Pall. ўсимлигини Қарнобчўл шароитида маданийлаштиришнинг эколого-биологик хусусиятлари..... 3

Бобаева Адиба Сайдалиевна

Эколого-биологические особенности введения в культуру боялыша *Salsola arbuscula* Pall в условиях Карнобчуля..... 21

Bobaeuva Adiba Saydaliyevna

The ecological - biological characteristics of *Salsola arbuscula* Pall. in the conditions of Karnabchul..... 38

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 РАҚАМЛИ ИЛМий
КЕНГАШ

ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

БОБАЕВА АДИБА САЙДАЛИЕВНА

БОЯЛИЧ-*SALSOLA ARBUSCULA* PALL. ЎСИМЛИГИНИ ҚАРНОБЧЎЛ
ШАРОИТИДА МАДАНИЙЛАШТИРИШНИНГ ЭКОЛОГО-
БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

03.00.05–Ботаника

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

САМАРҚАНД–2020

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/B240 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раббимов Абдулло

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,
катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Хамдамов Искандар

биология фанлари доктори, профессор

Рахимова Ташханим

биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.B.02.08. рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “__” “_____” соат...даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Самарқанд давлат университети биология факультети биноси 2-қават мажлислар зали. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш, Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51), E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru.

Диссертация автореферати 2020 йил “__” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» даги __ рақамли реестр баённомаси).

З.Т. Ражамуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

М.С. Кузиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.ф.д (PhD)

Х.Қ. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблилиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда 2000 турга яқин галофит ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, шулардан 100 турга яқини маданийлаштирилган ва яйловлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида фойдаланилмоқда. Жанубий-ғарбий Осиё ва шимолий Африка шўрланган ерларида юқори ҳосилли яйловлар яратиш мақсадида олиб борилган тажрибалар натижасида 10 дан ортиқ ўсимлик турлари истиқболли эканлиги аниқланган. Шунга кўра, озучабоп ўсимлик турларини танлаш ва уларни етиштириш йўллари ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда чўлланишнинг олдини олиш, кам ҳосилли яйловлар ҳосилдорлигини ошириш муаммолари ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири бўлиб, бу борада чўл озучабоп ўсимликлари интродукцияси ва селекцияси йўналишида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари йўлга қўйилган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, истиқболли ўсимликлар маҳсулдорлиги имкониятининг юқорилигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг био-экологик хусусиятларини асослаш ва турли тупроқ-иқлим шароитида иқлимлаштириш ва кўпайтириш заруриятини белгилаб бермоқда. Бу борада табиий флорадан янги озучабоп турларни излаб топиш, уларнинг эко-биологик хусусиятларини ўрганиш асосида маданийлаштиришнинг илмий асосланган етиштириш йўллари ишлаб чиқиш, турли экологик шароитларда уларни синаш ҳамда экологик оптимумларини аниқлаш ва маҳаллий шароитга мослаштириш мақсадида кумли тупроқларда кенг тарқалган *Salsola arbuscula* алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, унинг ўсимлик жамоасида тутган ўрнини асослаш, ер устки фитомасса ҳосилдорлигини аниқлаш ҳамда интродукция шароитида гипсли тупроқларда био-экологик хусусиятларини ўрганиш ва кўпайтириш йўллари ишлаб чиқиш илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Республикамизда чорва моллари учун озучабоп ем-хашак ўсимлик турларини инвентаризациялаш, яйлов хусусиятларини баҳолаш ва маҳаллий озучабоп ўсимлик турларини кўпайтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу йўналишда амалга оширилган дастурий чора тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан маҳаллий ўсимлик турларини танлаш, уларни кўпайтириш ва яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида¹ “...қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизациялаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ўсимлик ва ҳайвонлар селекциясида самарали усулларни қўллаш” вазифалари белгилаб берилган. Шу нуқтаи назардан ишлаб чиқилган усулларни ҳозирги кунда турли даражада деградацияга учраган яйловлар ҳолатини яхшилашда қўллаш долзарб муаммолар қаторига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

киради, ҳар бир ўсимлик турнинг эко-биологик хусусиятларини ўрганиш асосида яйловлар инқирозининг олдини олиш ва яйлов ҳудудининг потенциал имкониятини баҳолаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841-сонли “Чорвачиликда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2018 йилнинг 14 мартда қабул қилинган ПҚ-3603-сонли “Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, шунингдек, 2019 йилнинг 16 августда қабул қилинган ПҚ-4420 сонли “Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2019 йилнинг 20 майдаги “Яйлов тўғрисида”ги қонунлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чўл яйловлари ўсимлик қопламини қайта тиклаш, ҳосилдорлигини ошириш йўналишларида Хориж мамлакатларида бир талай олимлар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган ва табиий флора чўл яйловлари ҳосилдорлигини ҳамда озуқа сифатини яхшилаш имконини берувчи қимматли озуқабоп ўсимликларни танлаб олиш ва уларни маданийлаштириш учун бой манба бўлиб хизмат қилиши кўрсатиб ўтилган. Pasternak D., D. Djonson, D. Harrison, B. Waldron ва бошқалар (1986), Ву В.Л. Waldron., R.D. Harrison., A. Rabbimov et al.(2005).

Ушбу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишлари МДХ мамлактларида Г.М. Г.А. Баян (1972), Мухаммедов (1979), А. Валиев, (1984), С.А. Абдураимов ва бошқ. (2014), Н.Т. Коберницкая ва бошқалар. (2014), томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўз аксини топган.

Мамлакатимизда чўл яйловларини фитомелиорациялаш орқали ҳосилдорлигини ошириш, истиқболли чўл озуқабоп ўсимлик турларини танлаш, уларни маданийлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, чўл озуқабоп ўсимликлари интродукцияси, селекцияси ва уруғчилиги йўналишларида илмий-тадқиқот ишлари Махмудов М., Бекчанов Б. (2001), Раббимов А., Ҳамроева Г. (2006), Махмудов М.М. (2010); Раббимов А., Муқимов Т. (2012), Синдоров Ш., Махмудова Г. ва бошқ., (2015), Раббимов А., Муқимов Т.Х., Бобоқулов Н.А. (2016), (Рахимова Т., Шомуродов Х.Ф ва бошқ., (2018) томонидан олиб борилган ва яйловлар ҳосилдорлигини оширишда истиқболли бўлган ўсимлик турлари танлаб олинган.

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий ишлари Республикамиз шароитида ўрганилган *Salsola arbuscula* ни кенг миқёсда етиштиришга

тавсия бериш имконини бермайди. Шу боисдан, Республикамизда ушбу турнинг табиий ўсимликлар жамоасидаги ҳозирги ҳолатини аниқлаш, ер устки фитомасса ҳосилдорлиги, ўсиши ва ривожланиши, гуллаш биологияси, илдиз тизимининг шаклланиши, сув режими хусусиятларини ўрганиш ва етиштириш йўллари ишлаб чиқиш долзарб илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-039 “Арид минтақаси ўсимлик ресурсларини мобилизациялаш орқали иқлим ўзгариш шароитида чўлланиш ва яйловлар инкирозининг олдини олувчи илғор агротехнологияларни ишлаб чиқиш” (2012-2014), ҚХА-8-019-2015 “Орол ҳавзаси ёввойи флорасидан истиқболли озуқабоп турлар генофондини йиғиш ва селекция манбаларини танлаш” (2015-2017) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Қарнобчўлнинг инкирозга учраган яйловларида *Salsola arbuscula* нинг адаптив потенциалини ва эко-биологик хусусиятларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Salsola arbuscula уруғларининг лаборатория ва дала шароитидаги унувчанлигини ўрганиш;

Salsola arbuscula ни вегетация давомида ўсиши ва ривожланишини аниқлаш;

Salsola arbuscula вегетациясининг биринчи, иккинчи ва учинчи йилларида илдиз тизимининг шаклланиш хусусиятларини ўрганиш;

Salsola arbuscula ўсимликнинг суткалик ва мавсумий гуллаш динамикаси ҳамда уруғ маҳсулдорлигини аниқлаш;

сув режимининг асосий хусусиятлари (сув танқислиги, сув буғлатиш интенсивлиги, тўқималаридаги сув миқдори) кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

Salsola arbuscula нинг ер устки ҳосилдорлигини аниқлаш;

Salsola arbuscula Қарнобчўл шароитида етиштириш йўллари ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти. *Chenopodiaceae* (Шўрадошлар) оиласига мансуб *Salsola arbuscula* Pall. ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. *Salsola arbuscula* нинг интродукцияси, экологияси, биологияси, физиологияси ва етиштириш йўллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лаборатория ва дала тажрибалари фенологик, морфологик, экологик, биометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қарнобчўл тупроқ-иқлим шароитида *Salsola arbuscula* нинг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари очиб берилган;

Salsola arbuscula ни маданийлаштириш шароитида илдиз тизимининг шаклланиш босқичлари асосланган;

Salsola arbuscula нинг суткалик ва мавсумий гуллаш динамикаси аниқланган;

Salsola arbuscula нинг потенциал, ҳақиқий уруғ маҳсулдорлиги ва маҳсулдорлик коэффициенти аниқланган;

сув режимининг асосий кўрсаткичлари (транспирация жадаллиги, сув миқдори ва сув танқислиги) очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қарнобчўл шароитида инқирозга учраган яйловларида ўсимлик қопламани қайта тиклаш имконини берувчи яна бир янги истиқболли озуқабоп тур -*Salsola arbuscula* билан бойитилган;

натижаларга кўра Қарнобчўль шароитида бу ўсимликни етиштириш яйловлар ҳосилдорлигини гектаридан 2-3 центнердан 12-15 центнергача ошириши мумкинлиги аниқланган;

ўсимликнинг ер устки қисми ҳосилдорлиги ва етиштириш йўллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларда замонавий усуллар қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, маълумотларнинг статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши илмий ҳамжамият томонидан давлат амалий лойиҳасини бажарилиши давомида тан олинганлиги, диссертация амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор *Salsola arbuscula* нинг Қарнобчўл тупроқ-иқлим шароитида ўсишга яхши мослашганлиги унинг янги шароитдаги биологик, экологик, физиологик хусусиятларини ўрганиш орқали асослаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, инқирозга учраган Қарнобчўл яйловлари ўсимлик қопламани қайта тиклаш ва ҳосилдорлигини оширишда *Salsola arbuscula* ни экиш орқали яйловлар ҳосилдорлигини 3-4 марта ошириш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Salsola arbuscula* нинг Қарнобчўл шароитида ўсимликнинг интродукцияси ва эко-биологик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалари асосида:

Salsola arbuscula нинг гипсли тупроқ иқлим шароитларига мос келувчи етиштириш усуллари Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги “Тим-Агрон чорвадори” қорақўлчилик МЧЖда, Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги “Сахоба ота-қорақўл-насл” МЧЖнинг инқирозга учраган яйловларида 8 га майдонда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик Вазирлигининг 2019 йил 16 апрелдаги 02/032-251-сон маълумотномаси). Натижада инқирозга учраган яйловларда янги озуқабоп ўсимлик тури

маданийлаштирилиб Қарнобчўл яйловлари ҳосилдорлигини кескин ошириш имконини берган.

Чорва моллари учун ем-хашак захираларини бойитиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли давлат ўрмон хўжалиги шўрхок ва кумоқ ерларида саксовул ва қандим турлари қаторида *Salsola arbuscula* ўсимлигини экиш кенг жорий қилинган. (Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг 2019 йил 10 декабрдаги 05/21-4252-сон маълумотномаси). Натижада ўрмонзорлардан фойдаланиш самарадорлиги ортиб, чорвачиликни ривожлантириш учун ем-хашак ўсимликлари ҳосилдорлиги 16,5 ц/га ошириш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп қилишга тавсия этган илмий нашрларида 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 103 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблилиги, ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши, бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чўл яйловларида ем-хашак ўсимликлари интродукциясининг таҳлили”** деб номланган биринчи боби деградацияга учраган чўл яйловларининг ҳосилдорлигини оширишда озубоқ ўсимликларнинг интродукцияси ва яйловлар фитомелиорацияси йўналишида дунёда, Ўрта Осиё республикаларида ва Ўзбекистонда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари атрафлича таҳлил қилинган. Мазкур бобда ҳозирги кунда яйловлар ҳосилдорлигини ошириш муаммоси нафақат Ўзбекистонда, балким бутун жаҳонда долзарб муаммо эканлиги, яйловлар ҳосилдорлигини оширишда аксарият ҳолларда табиий флорадан озубоқ турларни маданийлаштириш ва уларнинг маҳаллий навларини яратиш орқали яхши натижаларга эришилганлиги, ушбу йўналишдаги тадқиқот ишларининг муҳимлиги кўрсатилган. Яйлов чорвачилиги ривожланган жаҳондаги

кўпчилик мамлакатларда, Марказий Осиё давлатларининг аксариятида ҳамда Ўзбекистонда кўплаб илмий ишлар амалга оширилган ва амалий натижаларга эришилган. Хусусан, Ўзбекистонда олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида маҳаллий флорадан 20 дан ортиқ истикболли озуқабоп турлар танлаб олинган. Аммо тадқиқот объекти бўлган *Salsola arbuscula* ни гипсли чўл яйловларида маданийлаштиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилмаган.

Диссертациянинг “**Тадқиқотлар объекти, услублари ва ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари**” деб номланган иккинчи бобида бояличнингқисқача ботаник тавсифи, тарқалиш ареали, тадқиқот услублари, ўрганилган ҳудуднинг тупроқ иқлим шароитлари ва ўсимликнинг фитоценотик тарқалиши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқотларда ўсимликшунослик, ўсимликлар интродукциясида умум қабул қилинган услублардан, “Чўл озуқабоп ўсимликлари интродукцияси ва селекцияси бўйича услубий тавсиялар” (1988, 2016) дан фойдаланилган. Ўсимликнинг мавсумий ривожланиши И.Н.Бейдеман (1960) услуби асосида, ўсимликнинг гуллаш биологияси А.Н.Понамарев (1960) томонидан таклиф қилинган услублар асосида олиб борилган. Транспирация жадаллиги А.А.Иванов ва бошқалар (1950), сув танқислиги Л.С.Литвинов (1951) услублари асосида ўрганилган. Тупроқ намлиги А.А.Роде (1969) услуби асосида, ўсимлик илдиз тизимининг шаклланишини ўрганиш М.Г.Тарановская (1957) ва М.С.Шалыт (1960) услублари асосида, интродукцион баҳолаш И.В.Белолипов (1976) услуби асосида ва ўсимликнинг фитоценотик тарқалиши “Методические указания по геоботаническому обследованию естественных кормовых угодий Узбекистана” (1980) асосида олиб борилган. Тадқиқотлардан олинган маълумотларнинг биостастик таҳлили Доспехов (1985) томонидан тавсия қилинган услуб асосида бажарилган.

Диссертациянинг “***Salsola arbuscula* нинг интродукция шароитидаги эко-биологик хусусиятлари**” деб номланган учинчи бобида уруғларнинг лаборатория ва дала шароитидаги унувчанлиги, Қарнабчўл шароитида *Salsola arbuscula* нинг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари, илдиз тизимининг шаклланиши тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинган. *Salsola arbuscula* уруғларининг шакли юмалоқ, туксиз, узунлиги ва эни 7-8 мм катталиқда бўлиб, ранги сарғиш баъзан кўнғир. 1000 донасининг массаси 7,6-8,1 г ни ташкил қилади. Лаборатория шароитида уруғ унувчанлиги учун оптимал ҳарорат 24-26⁰С ҳисобланади. Уруғларнинг унувчанлиги ушбу ҳароратда 15-19 кун давомида 30,7% ни ташкил қилди (1-жадвал).

Олинган натижаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, 7 ой муддатда сақланган уруғларнинг унувчанлиги 14⁰С ҳароратда 23,5% бўлган бўлса, 24⁰С ҳароратда- 30,7% ва 32⁰С ҳароратда - 21,0% ни ташкил қилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, нисбатан паст ҳароратда уруғларнинг униш жараёни анча суст бўлиб, тажрибанинг давомийлиги 25-30 кунни ташкил этди. Бу ерда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, 32⁰С ҳароратда уруғларда моғорлаш ҳолати кузатилди. Уруғлар унувчанлигининг ҳарорат билан боғлиқлигини шўрадошлар оиласига мансуб бўлган турлардан *Haloxylon*

aphyllum (Minkw) Pjin, *Salsola orientalis* (S.G.Gmel), *Kochia prostrata* (L.) Schrad var. *virescens* ўсимликларида ҳам кузатилган ва боялич уруғларини ундиришнинг оптимал ҳарорати 22⁰С деб белгиланган (Ионесова, 1970).

1-жадвал

Salsola arbuscula уруғларининг турли ҳароратлардаги унувчанлиги, %

Ундириш ҳарорати, °С	Унувчанлик, %	C _v , %	Тажрибанинг давомийлиги, кун
14	23,5±1,32	11,25	30
24	30,7±0,85	5,55	19
32	21,0±1,47	14,0	19


Шўрадошлар (*Chenopodiaceae*) оиласига мансуб кўпчилик турларнинг уруғ унувчанлигини ўрганган О.В. Семёнова (1983) изен (*Kochia prostrata* (L.) Schrad) ўсимлиги уруғларининг унувчанлигини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотларида таъкидлашча, ушбу оилага мансуб турлар уруғлари унувчанлигини бир йил давомида йўқотади. Ушбу хулосани бизнинг олиб борган тадқиқотларимиз ҳам тасдиқлайди.

Дала шароитида 2015 йил декабрь ойида экилган уруғлар келгуси йил март ойида ўртача 21% униб чиқди. Бу пайтда ҳавонинг ўртача ҳарорати 17,7⁰С ни, нисбий намлиги 59% ни ташкил этди. Уруғларнинг униб чиқиши апрель ойигача ҳам давом этиб, май ойида айрим туплари эса гуллаш фазасига ўтди ва октябрь ойида кам миқдорда уруғ ҳосил қилди. Июнь- июль ойларида ўсимликнинг баландлиги 25-26 см ни, ён новдалари 1-2 донга ҳосил қилиб, уларнинг узунлиги 4-5 см ни ташкил этиб, тиним ҳолатига ўтди. Вегетацияси охирида ўсимликнинг асосий ўқ илдизи тупроққа 70-80 см чуқурликкача кириб бориши ва ён илдизлари эса 10-20 см гача горизонтал ҳолатда шаклланди, шу вақтда ҳаво ҳарорати 30-32,7⁰С ни, ҳавонинг нисбий намлиги 29% ни ташкил этди (1-расм). Август ойи ўрталарида уруғларнинг шаклланиши кузатилиб, сентябрь ойи охиригача давом этди. Бу даврда ҳавонинг ўртача ҳарорати 30-26⁰С ни, нисбий намлиги 29-36% эканлиги қайд этилди. Уруғларнинг пишиб етилиши ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигигача давом этди. Ўсимликнинг биринчи йилги вегетация даври 230-235 кунни ташкил этди.

Ўсимлик вегетациясининг иккинчи йилида (2017 й) ўсиши март ойининг биринчи ўн кунлигидан, ғунчалаш даври апрель ойининг ўрталарида кузатилди. Бу пайтда ҳавонинг ўртача ҳарорати 17⁰С, нисбий намлиги 57% эканлиги қайд этилди. Июнь ойининг иккинчи ўн кунлиги ва август ойининг ўрталарида қисман барглари тўкиб, тиним даврига кирди. Ўсимликнинг баландлиги 50-60 см га етиб, ҳосил бўлган генератив новдалар сони 6-10 донани ташкил этди. Вегетациясининг охирида асосий ўқ илдизи 140-150 см га чуқурлашди, горизонтал ён илдизлари 3-4 тартибли шохланган бўлиб, кўп миқдордаги ён илдизчаларни ҳосил қилиши кузатилди (1-расм). Гуллаш даври май ойи боши, июнь ойи ўрталаригача давом этди. Октябр-ноябрь

ойларида уруғларнинг пайдо бўлиши кузатилиб, октябрнинг ўрталаридан уруғларнинг пишиб тўкилиши кузатилиб, бу жараён ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигигача давом этиши аниқланди. Бу пайтда ҳавонинг ўртача ҳарорати 16,7-10,9⁰С, нисбий намлиги 46-58% эканлиги қайд этилди. Ўсимликнинг вегетация даври ҳаётининг иккинчи йилида 225-230 кунни ташкил қилди. Ўта қурғоқчил келган 2018 йилда (ёғин миқдори 72 мм) яъни, ўсимликлар вегетациясининг учинчи йилида бояличнинг баҳорги ўсиши март ойининг бошидан кузатилди. Ғунчалаш даври ҳам олдинги йилларга нисбатан деярли 15-20 кунга эрта бошланди ва апрель ойининг биринчи ўн кунлигидан охиригача давом этди. Апрель-июнь ойида гуллаш даври кузатилди. Кузатув олиб борилган йилларда июнь ойининг бошидан боялич қисман баргларини тўкиб, тиним даврига кириши аниқланди. Тиним даври август ойининг ўртасигача давом этди, октябрь ойида эса уруғлаш даври кузатилди. Октябр ойининг иккинчи ўн кунлигидан ноябрь ойининг бошигача уруғларнинг пишиб етилиши кузатилди.

Уч ёшдаги боялич ўсимлиги новдаларининг йиллик ўсиши 20-25 см га, ўсимлик тупининг баландлиги 50-60 см га етганлиги аниқланди. Уч йиллик ўсимликларда илдиз тизимини ўрганиш шуни кўрсатдики, асосий ўк илдиздан 30 см чуқурликда 3 та вертикал йўналишдаги йўғонлиги деярли бир хил бўлган ён илдизларга бўлинади ва бу илдизлар тупроққа 200-220 см чуқурликгача кириб бориши аниқланди (1- расм).



1-расм. *Salsola arbuscula* вегетациясининг 1-чи(а), 2-чи (б) ва 3-чи (в) йилидаги илдиз тизимининг шаклланиши, (2016- 2018 йй).

Тупроқнинг 0-80 см қатламида 30 дан ортиқ, узунлиги 50-70 см ён илдизларнинг ривожланганлиги аниқланди. Демак, тупроқнинг юқори қатламида жойлашган ён илдизлар ўсимликни баҳор мавсумидаги тупроқда мавжуд бўлган намлик билан таъминлайди, вертикал йўналишда тупроққа


чукур кириб борувчи ўқ илдизлар эса ўсимликни конденсацион-ер ости сувларининг юқорига кўтарилиши натижасида ҳосил бўладиган намлик билан таъминлайди.

Шундай қилиб, Қарнобчўл шароитида боялич ўсимлиги тупроққа чукур кириб борувчи универсал типдаги, катта ҳажмдаги тупроқни эгаллайдиган илдиз тизимини ҳосил қилади ва бу хусусият унинг Қарнобчўл тупроқ шароитига мослаша олиш потенциалининг мавжудлигидан далолат беради.

Диссертациянинг “Гуллаш биологияси” деб номланган тўртинчи бобида *Salsola arbuscula* нинг суткалик ва мавсумий гуллаш динамикаси ҳамда уруғ маҳсулдорлиги ҳақидаги маълумотлар берилган. Гипсли Қарнобчўлда интродукция шароитида бояличнинг суткалик ва мавсумий гуллаш динамикаси вегетациясининг иккинчи ва учинчи йилларида кузатилди.

Вегетациясининг иккинчи йилида ўсимликларда апрель ойида ҳар бир тупда 5-8 донадан генератив новдаларнинг ривожланиши кузатилди. Генератив новдаларнинг узунлиги гуллаш даврининг бошланишида 20-25 см ни ташкил қилиб, ҳар бир новдада 12 донадан 26 донагача гул ғунчаларининг ривожланганлиги қайд этилди. Май ойининг иккинчи ўн кунлигида ўсимликларнинг ёппасига гуллаши қайд этилди. Гуллаш жараёни эрталаб 9⁰⁰ да бошланиб 10⁰⁰ гача давом этди. Бу даврда ҳаво ҳарорати 23,0⁰С, нисбий намлиги 38,1% ва ёруғлик интенсивлиги 28110 люкс бўлганлиги қайд этилди. Кузатиш кунида жами бўлиб 16 дона гулларнинг очилиши қайд этилди.


Ўсимлик вегетациясининг учинчи йилида 56 дона генератив новдалар ривожланган бўлиб, новдалар узунлиги 12 см дан 23 см гача ўзгариб турди. Май ойининг охирида энг узун генератив новдада сутка давомида 21 дона гуллари очилди. Гуллаш эрталаб 9¹⁵ да бошланиб, максимал гуллаш 9⁴⁵ да кузатилди. Гуллаш жараёни 11⁴⁵ гача кузатилди ва куннинг иккинчи ярмида ушбу жараён кузатилмади (2- расм).



2-расм. *Salsola arbuscula*нинг суткалик гуллаш динамикаси, 2018 й

2017 йилнинг иқлим хусусиятлари шароитида бояличнинг мавсумий гуллаши май ойининг бошидан бошланиб, шу ойининг ўрталарида максимал кўрсаткич қайд этилди. Бу пайтда ҳаво ҳарорати 26,7°C, нисбий намлик 41,0% ни ташкил этди. Гуллаш жараёни июнь ойининг ўрталаригача давом этиб, ҳаво ҳарорати 30,4°C, нисбий намлик 28,0%ни ташкил этди.

Шундай қилиб, бояличнинг мавсумий гуллаш динамикаси 2017 йилда гипсли Қарнобчўл шароитида май ойининг бошларидан июнь ойининг ўртасигача давом этиб, 40-45 кунни ташкил этди. Йилнинг ушбу мавсумида тупрокдаги намлик етарли даражада бўлиб, ўсимликларнинг гуллаши учун қулай шароит мавжуд бўлди. Қурғоқчил келган 2018 йилда бояличнинг мавсумий гуллаши апрель ойининг охиридан бошланиб (ҳаво ҳарорати- 17,9°C, нисбий намлиги 45,0%) июнь ойининг бошигача давом этди (ҳаво ҳарорати- 29,8°C, нисбий намлиги- 32,0%). Максимал гуллаши май ойининг ўрталарида кузатилди (3-расм). Июнь ойининг охирига келиб гуллаш жараёни кузатилмади.



3- расм. *Salsola arbusculana*нинг мавсумий гуллаш динамикаси, 2018 й.

Уруғ маҳсулдорлиги кўрсаткичлари 2 ёшдаги ўсимликларда ўрганилди. Боялични қуйровуқ билан солиштирилганида, унинг индивидуал уруғ маҳсулдорлиги 11 г/тупдан 64 г/тупгача ўзгариб туриши аниқланди. Қуйровуқда эса ушбу кўрсаткич 10,0 г/тупдан 62 г/тупгача ўзгарувчанликка эга эканлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Боялич ва қуйровуқнинг индивидуал уруғ маҳсулдорлиги (2017 й.)

Ўсимлик тури	Бир тупда ҳосил бўлган уруғ ҳосили, г		
	Ўзгарувчанлик диапозони	M±m	CV, %
<i>Salsola arbuscula</i> Pall.	11-64	30,3±3,4	47,4
<i>Salsolaorientalis</i> S.G.Gmel	10-62	30,8±3,1	49,7

Жадвалдан кўришиб турибдики, Қарнобчўл шароитида боялич ва куйровукнинг уруғ маҳсулдорлиги деярли бир хил. Ушбу кўрсаткичлар максимал кўрсаткичлар бўлмасдан, турли йилларда юзага келадиган иқлим шароити хусусиятлари ва ўсимликлар ёши билан боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкин.

Чўлнинг экстремал шароитида ўсувчи ўсимликларнинг уруғ маҳсулдорлиги жуда паст бўлади. Масалан, изен ўсимлигида ҳосил бўлувчи гулларнинг фақат 25% сифатли (нормал шаклланган) уруғлар ҳосил бўлиши аниқланган (Раббимов, 1989).

Тажрибаларимизда боялич ўсимлигида ҳам ҳосил бўлган гулларнинг барчасида нормал ривожланган уруғлар ҳосил бўлмаслиги аниқланди. Бояличнинг яхши ривожланган модель тупларидан яхши ривожланган генератив новдалари белгилаб олинди ва уларда ҳосил бўлган гул гунчалари сони аниқланди (3- жадвал).

Ҳосил бўлган гуллар сони ҳар бир новдада ўртача 26 данадан 43 донагача бўлиши аниқланди.

3- жадвал

Salsola arbusculанинг уруғ маҳсулдорлиги, 2016-2018 йй.

Йиллар	Ҳосил бўлган гуллар сони, дона (ПУМ)	Нормал ривожланган уруғлар сони, дона (ХУМ)	Маҳсулдорлик коэффиценти, (МК),%
2016	26±1,52	8±1,15	30,7
2017	31±1,52	11±1,52	35,4
2018	43±1,15	14±2,08	32,5
М±m	33,5±5,05	11,0±2,12	32,9

Октябрь ойининг охирида, уруғлар пишиб етилганидан сўнг, маҳсулдорлик коэффиценти ўртача 32,9% эканлиги қайд этилди. 2017 йилда ҳосил бўлган уруғларнинг 69 % нормал ривожланган уруғ муртаклари мавжудлиги аниқланди. 2018 йилда ҳосил бўлган уруғларда эса бу кўрсаткич 46,3% ташкил қилди. Демак, уруғларнинг сифати йилнинг иқлим шароитларига қараб ўзгариб туради, айниқса бу кўрсаткич йиллик ёғингарчилик миқдори билан узвий боғлиқ бўлиб, ёғингарчилик миқдори 207,6 мм бўлган 2017 йилда 69 % тўлиқ етилган уруғлар ҳосил бўлганлиги кузатилган бўлса, қурғоқчил келган 2018 йилда (ёғингарчилик миқдори-66,5 мм) бу кўрсаткич сезиларли паст, яъни 46,3% бўлганлиги аниқланди. В.И.Коньчеванинг (1963) маълумотларига кўра, бояличда 50% қанотчалари яхши ривожланган уруғларда уруғ муртак ривожланмаган бўлиши мумкин. Бизнинг тажрибаларимизда ҳам шунга яқин маълумотлар қайд этилди.

Хулоса қилиб айтганда, бояличнинг ўз-ўзидан чангланиш хусусияти унинг маданий майдонларини кенгайтиришда илмий асос бўлиб хизмат қилади. Лекин ўсимлик уруғларининг унувчанлиги жуда паст. Шунга

карамай, ердан униб чиққанидан кейин, яшовчанлигини сақлаб қолиб, тез ўсади ва ривожланади. Шу боисдан, бу турни чўл минтақасининг кумли ва гипсли тупроқларида экиб кўпайтириш яхши самара бериши мумкин.


Диссертациянинг “*Salsola arbusculанинг сув режими*” деб номланган бешинчи бобида транспирация жадаллиги, ассимиляцияловчи органлардаги сув миқдори, сув танқислиги бўйича маълумотлар ёритилган. Ўсимликларнинг сув режими уларнинг қурғоқчил шароитда қай даражада мослашганликларидан далолат беради. Ўсимликнинг жадал ўсиш даври апрель ойидан бошланиб, бу даврда эрталаб соат 8⁰⁰ да бояличнинг сув буғлатиш интенсивлиги 391,7мг/ г соат, 12⁰⁰ да 1049,7мг/ г соат, соат 15⁰⁰ да 1154мг/г соат сув буғлатганлиги кузатилди. Июнь ойида соат 8⁰⁰ да 596,6мг/ г соат, 12⁰⁰ да 988мг/ г соат, 15⁰⁰ да 1043 мг/ г соатсув буғлатди. Июль -август ойларида эрталаб соат 8⁰⁰ да 479,9-192 мг/ г соат, 12⁰⁰ да 512-483,7мг/ г соат, 15⁰⁰ да 453,9-348,2 мг/г соат сувбуғлатди. Октябрь ойида эса шунга мувофиқ 78,1мг/ г соат, 273,1мг/ г соат; 263,7 мг/ г соатни ташкил этди.

Сув буғлатиш интенсивлигининг суткалик ва мавсумий динамикаларини ўрганиш натижасида олинган маълумотларнинг таҳлили шундан далолат берадики, қуйровук ва боялич ўсимликлари ушбу физиологик хусусиятлари бўйича бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Сув буғлатиш интенсивлигининг максимал кўрсаткичлари ҳаво ҳароратининг ва тупроқдаги намликнинг юқори бўлган даврларида кузатилади.

Шуни айтиш керакки, ўсимлик сув буғлатишининг мавсумий динамикаси тупроқ намлигига, қуёшга, ҳавонинг нисбий намлигига ва ҳароратга боғлиқ бўлиб, вегетация охирида кескин камайиши кузатилди.


Ўсимлик таркибидаги сув миқдори ўсимлик турлари, экологик муҳитига қараб турлича бўлиши мумкин. Ушбу хусусиятни ҳар иккала тур қуйровук ва бояличда мавсумий ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, баҳор ойларидан то кузгача сув миқдорининг бир текис пасайиши кузатилди. Апрель ойида ҳар иккала турларда ҳам сув миқдори энг юқори, яъни 81,9 ва 82,4% бўлган бўлса, қурғоқчилик даврининг бошланишидан бошлаб сув миқдори июнь ойида қуйровукда-74,6%, бояличда-67,6%, июль ойида қуйровукда -65,8%, бояличда-61,3%, август ойида эса қуйровукда-63,9%, бояличда-54,5% ни ташкил этди. Ўсимликлар вегетацияси охирида (октябрь) таркибидаги сув миқдори қуйровукда-50,7%, бояличда эса 55,8% бўлиши қайд этилди (4-расм).

Демак, боялич таркибидаги сув миқдори бироз бўлсада, қуйровук ўсимлигидагига нисбатан ҳар доим сезиларли даражада пастлиги кузатилади. Буни бояличнинг ўзига хос хусусияти деб изоҳлаш мумкин. Шунингдек, боялич ўсимлигининг новдалари бутун вегетация давомида қуйровук новдаларига нисбатан кучлироқ ёғочланганлигини таъкидлаш лозим.



4- расм. Ўсимлик таркибидаги сув миқдорининг мавсумий динамикаси

Тадқиқотларимизда қуйровуқ ва боялич ўсимликларининг сув танқислиги мавсумий динамикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, сув танқислиги баҳордан кузга томон ҳар иккала турда ҳам ортиб боради ва бу кўрсаткич баҳорда қуйровуқда 0,9%, бояличда 0,7% бўлган бўлса, июнь ойида мутаносиб равшда 3,6 ва 1,7%, июль ойида қуйровуқда-11,6%, бояличда-8,4% ни август ойида эса бу кўрсаткич қуйровуқда-7,9%, бояличда-15,2 % ни октябрь ойига келиб эса, қуйровуқда-19,7%, бояличда эса 7,1% бўлганлиги аниқланди (5-расм).



5-расм. Ўсимликларнинг сув танқислиги мавсумий динамикаси

Шундай қилиб, сув режимининг кўрсаткичлари бўйича *Salsola arbuscula* ксерофит ҳисобланиб, транспирация жадаллиги ҳамда сув миқдорининг баҳордан кузга томон камайиб бориши ва сув танқислигининг баҳордан ёзга томон ортиб бориши, бу ўсимликнинг лабил тип сув режимига мансублигини кўрсатади.

Диссертациянинг “*Salsola arbuscula* нинг ер устки қисми ҳосилдорлиги ва етиштириш йўллари” деб номланган олтинчи бобида ўсимликнинг ер устки ҳосилдорлиги ва етиштириш йўллари бўйича маълумотлар келтирилган.

Бояличнинг барглари, ёш новдаларини, уруғларини қорақўл қўйлари кузда хуш кўриб ейишади, қишда ва баҳорда қониқарли истеъмол қилишади. Туялар эса боялични йил бўйи хуш кўриб истеъмол қилишади. Табиий яйловларда бояличнинг ҳосилдорлиги гектаридан 2-2,5 ц/га қуруқ массани ташкил қилади (Ҳасанов ва бошқ., 1983).

М.И.Рўзметов ва Р.А.Тўраевларнинг (2018) маълумотларига кўра, баҳорда бояличнинг 1 кг қуруқ массасида 0,69 озуқа бирлиги ва 77 гр ҳазмланувчи оқсил мажуд, кузга келиб, 1 кг озуқасида 0,48 озуқа бирлиги ва 48 гр ҳазмланувчи оқсил бўлади. Қиш мавсумида эса 1 кг озуқаси таркибида 0,42 озуқа бирлиги ва 35 гр ҳазмланувчи оқсил мавжудлиги аниқланган. Озуқавийлик қиймати жиҳатидан боялич ўсимлиги қўйровуқга яқин туради.

И.В.Ларин ва бошқаларнинг (1937) маълумотларига кўра, боялич озуқасининг тўйимлилигини ўртача сифатли пичан озуқавий қийматига тенглаштириш мумкин. Боялич озуқаси таркибида баҳорда протеин миқдори 19,8% ни, оқсил эса 13,4% ни ташкил қилади.

Ёғ моддаси баҳорда 2,16%, кузда-3,4%. Кул моддалари миқдори баҳорда-19,8%, кузда эса 12,6%. Боялич озуқасининг тўйимлилигини ҳисобга олиб И.И. Ларин (1937) уни маданийлаштириш лозимлигини айтиб ўтган.

Ўсимлик ҳаётининг биринчи йилида қуруқ фитомассаси 12-42 г гача, учинчи йили 102-281 г гача бўлганлиги қайд этилди (4-жадвал).

4-жадвал

*Salsola arbuscula*нинг ер устки индивидуал фитомассаси, г (қуруқ масса)

Йиллар	Ўзгарувчанлик диапазони, г	M±m	C _v , %
2016	12-42	25,76±1,5	29,4
2017	72-131	91,1±3,6	19,8
2018	102-281	208,9±9,3	22,4

Salsola arbuscula нинг ер устки ҳосилдорлигини ўрганиш натижасида шуни айтиш керакки, йиллик ёғингарчилик миқдоридан қатий назар ҳосилдорлик ўсимликлар ёшига боғлиқ ҳолда ортиб борверади. Бу эса Қарнабчўлнинг гипсли яйловларида маданийлаштиришнинг истиқболлилигини кўрсатади.

Бу ўсимликни экиш учун деградацияга учраган майдонлар танланади. Уруғларни тупроққа 1-2 см чуқурликда кўмилганда энг юқори унувчанликка эришилади. Уруғларни Қарнабчўл шароитида декабрь-февраль ойларида экилганда юқори унувчанликка эришиш мумкин. Боялич уруғларини ҳар гектар ерга 4,5-5 кг сарфлаш лозим. Экилган майдонлардан учинчи йилнинг кузидан бошлаб фойдаланиш тавсия этилади.

И.В.Белолоповнинг (1976) интродукцион баҳолаш 13 баллик шкаласига биноан, ўсимликнинг суғоришга бўлган талаби 4-балл, рақобатбардошлиги 3-балл, интродукция мувофақияти-3 балли ташкил этди. Бу эса интродукция мувофақиятини билдиради.

Демак, *Salsola arbuscula* нинг биоэкологик хусусиятлари ўсиш ва ривожланиши, гуллаш биологияси, ҳосилдорлиги, сув режими кўрсаткичлари унинг интродукция шароитига тўлиқ мослаша олганлиги, бу ўсимликни Республикамизнинг чўл минтақасидаги гипсли тупроқларида етиштириш имконияти мумкинлигини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

«Боялич–*Salsola arbuscula* ўсимлигини Қарнобчўл шароитида маданийлаштиришнинг эколого-биологик хусусиятлари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Илк маротаба Бухоро вилояти Қоракўл тумани Учқур массивида боялич иштирок этган учта жамоа ажратилди: бояличли-бутазор, бояличли-черкезли-сингрэнзор, кейреукли-қандимли-шувокли бояличзор шундан, иккита жамоада боялич субэдификатор, биттасида эдификатор эканлиги кузатилади.

2. Ўсимлик уруғ унувчанлиги сақланиш муддатининг узайиб боришига қараб пасайиб боради. Лаборатория шароитидаги унувчанлиги уч ой сақланган уруғлар 76%, олти ойдан кейин 57%, саккиз ойда - 12%, ўн икки ойдан кейин 4% ни ва уруғлар униши учун оптимал ҳарорат 24-26⁰С ни ташкил этади.

3. *Salsola arbuscula* нинг биринчи йил экиб ўстирганда 30-40% генератив даврга ўтиши ва умумий вегетацияси 230-235 кун давом этиши кузатилади.

4. Ўсимликнинг гуллаши иқлим шароитига боғлиқ ҳолда 35-40 кун давом этиб, гулларнинг энг кўп очилиш вақти ҳаво ҳарорати 17-26⁰С, нисбий намлиги 54-41 % ва соат 9⁰⁰-10⁰⁰ ларда қайд этилади.

5. Сув режимининг хусусиятлари бўйича бу ўсимлик ксерофит ҳисобланиб, транспирация жадаллиги ҳамда сув миқдорининг баҳордан кузга томон камайиб бориши ва сув танқислигининг баҳордан ёзга томон ортиб бориши, бу ўсимликнинг лабил тип сув режимига мансублигини исботлайди.

6. *Salsola arbuscula* нинг қуруқ ҳолдаги ер устки ҳосилдорлиги гектарига иккинчи йилидан бошлаб 5-7 ц ни, уруғи эса 100-110 кг, учинчи йили шунга мувофиқ 10-12 ц ни ва 120-150 кг ни ташкил этади. Интродукция шароитидаги ҳосилдорлиги табиий яйловларга нисбатан 3-4 марта кўп бўлиб, бу эса ўсимликни Қарнабчўл шароитига қулай мосланувчан имкониятига эга эканлигини изоҳлайди.

7. Ўсимлик фақат уруғи орқали кўпаяди. Уни кўпайтириш учун ерни экишга тайёрлаш, экиш чуқурлиги, қатор оралиғи, экиш муддати, гектарига қанча уруғ сарфлаш каби тадбир ишлаб чиқилди.

8. *Salsola arbuscula* истиқболли ҳисобланиб, уни Республикамизнинг чўл минтақаларидаги деградацияга учраган майдонларида етиштириш тавсия этилади.

9. *Salsola arbusculani* интродукцион баҳолаш (13 баллик шкалада 10 бални ташкил этди) бўйича истиқболли ҳисобланади ва уни Республикамизнинг чўл минтақаларидаги гипсли тупроқларда кенг майдонларда етиштириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.В.02.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

БОБАЕВА АДИБА САЙДАЛИЕВНА

**ЭКОЛОГО–БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ВВЕДЕНИЯ В
КУЛЬТУРУ БОЯЛЫША–*SALSOLA ARBUSCULAR* ALL. В УСЛОВИЯХ
КАРНАБЧУЛЬЯ**

03.00.05– Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд–2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована с Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана за номером В2018.4.PhD/B240.

Диссертационная работа выполнена научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Раббимов Абдулло

кандидат сельской хозяйственных наук,
старший научный сотрудник

Официальные оппоненты

Хамдамов Искандар

доктор биологические наук, профессор

Рахимова Ташханим

доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация:

**Жиззакском государственном
педагогическом институте**

Защита диссертации состоится «__» 2020 года в «__» часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.B.02.08 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Актовый зал факультета биологии Самаркандского государственного университета. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрировано за №__). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15, Центр информационных ресурсов. Тел.: (+99866) 239-11-51), E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru.

Автореферат диссертации разослан «__» «__» 2020года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» «__» 2020 года)

З.Т. Ражамуродов

Председатель научного совета
по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

М.С. Кузиев

Ученый секретарь научного
совета по присуждению учёных
степеней, PhD

Х.К. Хайдаров

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.б.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире насчитывается около 2000 видов галофитов, из которых около 100 видов введены в культуру и используются в целях повышения продуктивности пастбищ. В результате проведённых научно-исследовательских работ в условиях засоленных почв Юго-Западной Азии и Северной Африки, выявлены более 10 перспективных видов растений. В этой связи важное научно-практическое значение имеет отбор кормовых растений и разработка научных основ их возделывания.

В мире проблемы предотвращения процессов опустынивания, повышения продуктивности малопродуктивных пастбищ являются одними из актуальных проблем, требующие решения и в связи с этим проводятся широкомасштабные научно-исследовательские работы по интродукции и селекции пустынных кормовых растений. Следует отдельно отметить, что в связи с высоким потенциалом продуктивности перспективных видов растений возникает необходимость всестороннего изучения их эколого-биологических особенностей и адаптивного потенциала с целью их окультуривания в различных почвенно-климатических условиях. В этой связи с целью поиска в естественной флоре новых кормовых видов, изучения их эко-биологических особенностей, научное обоснование необходимости их окультуривания, разработка путей их возделывания, испытание их в различных экологических условиях, а также определение экологического оптимума и приспособить к местным условиям широко распространенное в песчаных почвах растение боялыш – *Salsola arbuscula* Pall, имеет важное значение. Изучение его роли в растительном сообществе, определение урожайности надземной фитомассы, а также изучение их био-экологических особенностей в условиях интродукции в гипсовых почвах и разработка путей размножения имеют важное научно-практическое значение.

В настоящее время в Узбекистане уделяется особое внимание инвентаризации кормовых растений пустынь, оценке особенностей различных типов пастбищ и размножению местных видов кормовых растений. В этом направлении на основе разработанных программных мероприятий достигнуты определённые результаты, в частности отобраны местные кормовые виды, разработано несколько рекомендаций по их размножению и повышению продуктивности пастбищ.

